



КОМПАНИЯ ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ФАОЛИЯТИДА ФОЙДАЛАНИЛАЁТГАН РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Содиқов Абдулҳафиз

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
ORCID: 0009-0005-9382-6913
abdulhafizsadykov97@mail.ru

Аннотация. Сўнгги ўн йилликда бизнес юритиш усуллари тубдан ўзгарди. Ушбу кескин ўзгаришнинг асосий сабаби янги технологияларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг интернет хизматлари билан уйғунлашувидир. Ушбу тадқиқот компаниялар томонидан рақамли технологияларнинг ҳозирги кунда қандай қўлланилаётганини ўрганади. Хусусан, рақамли трансформация маркетингнинг асосий иштирокида амалга ошириладиган анъанавий қиймат яратиш жараёнларини қандай ўзгартириши таҳлил қилинади. Мақолада рақамли трансформациянинг анъанавий маркетингга, жумладан, унинг роли, тузилмаси ва воситаларига таъсири ўрганилади ҳамда, корхоналарда электрон тижорат тизимини жорий этиш технологияларини ўрганиб, ушбу жараёнда қўлланилаётган технологияларга эътибор қаратади. Дунёнинг энг йирик электрон тижорат компанияларининг йиллик даромадлари бўйича солиштира таҳлил уларнинг иқтисодий таъсирини очиб беради, шунингдек, ушбу компанияларнинг технологик ютуқлари уларнинг муваффақиятга эришишига олиб келган инновацион амалиётларни кўрсатади. Тадқиқотда рақамли технологияларнинг электрон тижоратдаги муҳим ўрни ҳам кенг стратегик нуқтаи назардан ўрганилади. Бундан ташқари, Ўзбекистондаги йирик электрон тижорат фаолияти билан шуғулланувчи компаниялар бўйича маълумотлар тақдим этилиб, минтақадаги электрон тижорат технологияларининг ривожланиши ва қўлланилиши тақдим этилди. Ушбу натижалар глобал ва минтақавий электрон тижорат тенденцияларини, шунингдек, ушбу тез ривожланаётган соҳани шакллантирувчи технологик омиларни чуқурроқ англашга ёрдам беради.

Калит сўзлар: электрон тижорат, рақамли технологиялар, киберхавфсизлик.

ХАРАКТЕРИСТИКА ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ, ИСПОЛЬЗУЕМЫХ В ЭЛЕКТРОННОЙ ТОРГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОМПАНИИ

Содиқов Абдулҳафиз

Национальное агентство социальной
защиты при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация. За последнее десятилетие методы ведения бизнеса радикально изменились. Основной причиной таких кардинальных изменений является появление новых технологий и их гармонизация с интернет-сервисами. В данном исследовании рассматривается, как цифровые технологии в настоящее время используются компаниями. В частности, анализируется, как цифровая трансформация изменяет традиционные процессы создания ценности, которые осуществляются при основном

участии маркетинга. В статье исследуется влияние цифровой трансформации на традиционный маркетинг, включая его роль, структуру и инструменты, и основное внимание уделяется технологиям, используемым в этом процессе, путем изучения технологий внедрения системы электронной коммерции на предприятиях. Сравнительный анализ годовой выручки крупнейших мировых компаний электронной коммерции показывает их экономическое влияние, а также показывает инновационные методы, которые технологические достижения этих компаний привели к их успеху. В исследовании также рассматривается важная роль цифровых технологий в электронной коммерции с широкой стратегической точки зрения. Кроме того, была представлена информация о компаниях, ведущих крупномасштабную деятельность в сфере электронной коммерции в Узбекистане, а также о развитии и применении технологий электронной коммерции в регионе. Эти результаты способствуют более глубокому пониманию глобальных и региональных тенденций в области электронной коммерции, а также технологических факторов, которые формируют эту быстро развивающуюся отрасль.

Ключевые слова: электронная коммерция, цифровые технологии, кибербезопасность.

FEATURES OF DIGITAL TECHNOLOGIES USED IN THE COMPANY'S E-COMMERCE ACTIVITIES

Sodiqov Abdulhafiz

National Agency of Social Protection under
the President of the Republic of Uzbekistan

Abstract. In the last decade, the methods of doing business have changed radically. The main reason for this drastic change is the emergence of new technologies and their harmonization with Internet services. This research explores how digital technologies are currently being used by companies. In particular, it is analyzed how digital transformation changes traditional value generation processes that are carried out with the main participation of marketing. The article explores the impact of digital transformation on traditional marketing, including its role, structure, and tools, and focuses on the technologies used in the process by studying the technologies for the implementation of the e-commerce system in enterprises. A comparative analysis of the annual revenues of the world's largest e-commerce companies reveals their economic impact, and also shows the innovative practices that the technological advances of these companies have led to their success. The study also explores the important role of digital technology in e-commerce from a broad strategic perspective. In addition, information was provided on companies engaged in large e-commerce activities in Uzbekistan, and the development and application of e-commerce technologies in the region was presented. These results contribute to a deeper understanding of global and regional e-commerce trends, as well as the technological factors that shape this rapidly developing industry.

Keywords: e-commerce, digital technology, cyber security.

Кириш.

Замонавий иқтисодиётда рақамли технологиялар ҳар бир бизнеснинг ажралмас қисмига айланмоқда, айниқса, электрон тижорат соҳасида. Электрон тижорат фаолияти товар ва хизматларни интернет орқали сотишни ўз ичига олади, бу жараёнда эса замонавий рақамли технологиялар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Рақамли технологиялар электрон тижорат соҳасида компаниялар учун янги имкониятлар яратиб, уларга самарадорликни ошириш ва mijozlarга сифатли хизмат кўрсатиш имкониятини беради. Бу технологиялар бизнес жараёнларини автоматлаштириш, харидорлар билан

боғланиш ва уларнинг харид қилиш жараёнларини таҳлил қилиш, шунингдек, тўловларни осонлаштириш каби фаолиятларга қўлланилади. Бу жараёнларда веб-технологиялар, сунъий интеллект, маълумотлар таҳлили, блокчейн ва рақамли маркетинг каби турли хил технологиялар ишлатилади (Hayes va Youderian, 2019).

Электрон тижорат рақамли иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, у нафақат товар ва хизматларни сотиш жараёнларини қамраб олади, балки, хариддорларнинг истеъмол қилиш одатларини тушуниш, уларни таҳлил қилиш ва янги бозор имкониятларини яратиш орқали компанияларга стратегик афзалликлар беради (Parida va бошқ., 2019). Интернетга асосланган электрон тижорат платформалари компаниялар учун ўз маҳсулотларини дунё миқёсидаги истеъмолчиларга етказиш имконини бериб, уларнинг бозорга чиқиш йўллариини оширади. Ушбу жараёнда мижозлар билан интерактив алоқа қилиш, уларнинг хоҳишларини тушуниш ва мос маҳсулотлар билан таъминлаш рақамли технологиялар воситасида амалга оширилади.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, рақамли технологиялар электрон тижоратни замонавий бизнес жараёнлари билан интеграция қилиш орқали самарадорликни оширади. Мисол учун, интернет маркетинг орқали маҳсулотлар ва хизматларни тўғри мақсадли аудиторияга реклама қилиш, рақамли тўлов тизимлари орқали тез ва хавфсиз тўловларни амалга ошириш, сунъий интеллект ёрдамида мижозларнинг қизиқишларини таҳлил қилиш – буларнинг барчаси электрон тижорат жараёнларини янада автоматлаштириш ва самарали қилишга хизмат қилади (Xiong va бошқ., 2021).

Бу жараёнда платформа сифатида фойдаланилаётган турли хил дастурий маҳсулотлар ҳам катта аҳамиятга эга.

Shopify, Magento va WooCommerce каби тижорат платформалари компанияларга ўз бизнесларини рақамли муҳитда бошқариш имконини беради. Шу билан бирга, маълумотлар таҳлили ва CRM (мижозлар билан муносабатларни бошқариш) тизимлари хариддорлар маълумотларини сақлаш ва уларга мос хизматларни таклиф қилиш имкониятини яратади.

Электрон тижорат фаолиятида қўлланиладиган рақамли технологиялар турли хил компонентлардан иборат бўлиб, уларни таркибий жиҳатларини шартли равишда қуйидаги таркибий қисмларга бўлиш мумкин:

1. Аппарат таъминоти: Компьютерлар, серверлар, мобил қурилмалар ва бошқа ускуналар рақамли муҳитнинг асосини ташкил этади. Электрон тижоратда маълумотларни жўнатиш ва қабул қилишда аппарат таъминоти жуда муҳим аҳамиятга эга.

2. Дастурий таъминот: Дастурий таъминот электрон тижорат жараёнларини автоматлаштиришга ва мижозларга қулайлик яратишга хизмат қилади. CRM тизимлари, ЭРП дастурлари ва онлайн тўлов тизимлари бунда асосий ўрин тутати.

3. Маълумотлар базалари: Маълумотлар электрон тижорат фаолиятида ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Мижозлар ва маҳсулотлар ҳақидаги маълумотлар реал вақт режимида қайта ишланади ва сақланади. СҚЛ ва НоСҚЛ каби турли маълумотлар базалари электрон тижоратда қўлланилади.

4. Тармоқ технологиялари: Интернет ва у билан боғлиқ тармоқ технологиялари электрон тижоратнинг асосий инфратузилмасидир. VPN, IoT (буюмлар Интернети) ва 5G технологиялари электрон тижорат имкониятларини янада кенгайтиради.

5. Киберхавфсизлик: Электрон тижоратда мижозларнинг шахсий маълумотлари ва молиявий операциялари хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Криптография, икки факторли аутентификация ва бошқа хавфсизлик тизимлари компанияларнинг ишончлилигини оширади.

Электрон тижорат замонавий бизнес дунёсининг ажралмас қисмига айланган. Глобал иқтисодиётнинг тез ўзгариши ва рақамли трансформация жараёнлари компанияларни янги технологияларни жорий этишга мажбур қилмоқда. Электрон

тижорат тизимлари компанияларга мижозларга хизмат кўрсатиш, маҳсулотларни сотиш ва бозорни кенгайтириш каби соҳаларда катта имкониятлар яратади. Янги технологиялар, мобил иловалар ва булутли хизматлар билан бирга, электрон тижоратнинг кучли ривожланиши компаниялар учун рақобатбардошликни оширади ҳамда иқтисодий самарадорликни таъминлайди.

Электрон тижорат ҳозирги кунда корхоналар учун рақобатбардош бўлиш ва глобал бозорга чиқишнинг муҳим воситасига айланган. Технологияларнинг жадал ривожланиши натижасида компаниялар замонавий ечимлардан фойдаланиб, ўз фаолиятини оптималлаштириш, харажатларни камайтириш ва мижозлар билан самарали ҳамкорлик қилиш имкониятига эга бўлмоқда. Қуйида электрон тижоратни жорий этишда қўлланиладиган асосий технологиялар кўриб чиқилган (1-жадвал).

1-жадвалга асосан компания электрон тижоратида қўлланиладиган технологияларнинг қуйидаги афзалликларга эга:

1. Ахборот портали (сайт) яратиш. Ҳар қандай компания учун ахборот портали – бу унинг виртуал ташриф қоғози. Замонавий технологиялар асосида мобилга мос ва SEO-оптималлаштирилган сайт яратиш компаниянинг рақобатбардошлигини ошириш учун муҳим омилдир. SEO компаниянинг сайтини қидирув тизимларида юқори поғоналарда жойлаштиради, бу эса янги мижозларни жалб қилишда катта ўрин тутди. Мобил қурилмаларга мослашувчан сайт эса мижозларга ҳар қандай жойдан ва исталган вақтда хизмат кўрсатишга имкон беради.

2. Электрон витрина яратиш. Электрон витрина – бу маҳсулот ва хизматларни интернет орқали тақдим этиш воситаси бўлиб, у СРМ тизимлари билан интеграцияланган ҳолда ишлайди. СРМ технологиялари мижозлар ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш орқали шахсийлаштирилган хизматларни тақдим этишга ёрдам беради. Мақсадли реклама ва оммавий коммуникация платформалари орқали компаниялар янги мижозларни жалб қилиш имкониятига эга бўлишади.

3. Корпоратив портал яратиш. Корпоратив портал – бу ички ва ташқи жараёнларни автоматлаштириш учун платформа. Булутли технологиялар корхоналарга маълумотларни хавфсиз сақлаш ва реал вақтда уларга киришни таъминлаш имконини беради. Бу технологиялар ҳужжатлар айланиши, жараёнларни автоматлаштириш ва умумий харажатларни сезиларли даражада камайтиради. Айниқса, масофавий иш моделига ўтган компаниялар учун бундай ечимлар долзарб ҳисобланади.

4. Электрон дўкон яратиш. Замонавий электрон дўконлар орқали маҳсулотларни сотиш жараёни рақамли тўлов тизимлари (Пайме, Click, криптовалюталар) ёрдамида амалга оширилади. Ушбу тўлов тизимлари тезкорлик, хавфсизлик ва мижозлар учун қулайлик яратади. Бундан ташқари, электрон дўконлар замонавий технологиялар ёрдамида буюртмаларни автоматик қайта ишлаш, захираларни бошқариш ва етказиб беришни оптималлаштириш имкониятини беради.

5. Савдо ахборот тизими. Савдо ахборот тизимлари ЭРП тизимлари билан интеграцияланган бўлиб, компания фаолиятини тўлиқ бошқариш имконини беради. ЭРП тизимлари ёрдамида корхоналар молиявий ҳисоб-китобларни, захираларни ва кадрларни самарали бошқаришади. Катта маълумотлар (Биг Дата) ва сунъий интеллект (АИ) технологиялари орқали корхоналар бозор тенденцияларини олдиндан таҳлил қилиши ва мос равишда ўз стратегияларини тузиши мумкин.

1-жадвал

Корхонада электрон тижорат тизимини жорий этиш технологиялари

Ахборот портали (сайт) яратиш	1. Мобилга мос ва СЕО-оптималлаштирилган ва ижтимоий тармоқлар билан интеграцияланган замонавий компания имижини қўллаб-қувватлаш.			
	2. Мижозларга турли хил маълумотларни чатботлар, овозли ёрдамчилар (Google Assistant, Siri) ва мижозларни автоматлаштирилган қўллаб-қувватлаш тизимлари билан интеграция орқали тақдим этиш.			
	3. Бозорни сегментлаш ва талабни прогнозлаш учун катта маълумотларни таҳлил қилиш ва машинани ўргатиш (Machine Learning, Big Data) воситалари ёрдамида бозорни маркетинг тадқиқотларини ўтказиш.			
	Электрон витрина яратиш	4. CRM тизимлари ва мақсадли реклама орқали янги мижозларни жалб қилиш.		
		5. UX/UI дизайн тамойиллари асосида қулай интерфейс яратиш, мослашувчан технологиялар, тезкор буюртма қилиш ва ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар платформалари билан интеграция қилиш.		
		Korporativ portal yaratish	6. Булутли технологиялар орқали жараёнларни автоматлаштириш.	
	7. Блокчейн ва BI (Business Intelligence) тизимлари орқали хавфсиз маълумотлар базасини яратиш.			
	Электрон дўкон яратиш		8. Буюртмаларни қайта ишлаш, тўловларни амалга ошириш учун замонавий технологиялар, жумладан электрон ҳамёнлар, криптовалюталар ва тезкор тўлов тизимлари орқали амалга ошириш.	
		9. Нархни пасайтириш ва рақобатбардошликни ошириш орқали этказиб бериш занжирларини оптималлаштириш.		
		10. ERP тизимлари ва Big Data orqali ҳисоб-китоб ва захираларни бошқариш.		
Савдо ахборот тизимини (CAT) яратиш				

Адабиётлар шарҳи.

(Аутио ва бошқ., 2018) тадқиқотида рақамлаштиришнинг аҳамияти ва унинг бизнес модели инновациялари орқали тадбиркорликка кўрсатадиган таъсири кенг тан олинган бўлсада, рақамли технологияларни бизнес моделида қўллашнинг компания даражасидаги самарадорликка таъсири ҳали ҳам етарлича ўрганилмаган. Рақамлаштириш мамлакатлардаги тадбиркорлик имкониятлари ландшафтларини ва улардан фойдаланишнинг оптимал усулларини тубдан ўзгартириш қобилиятига эга эканлиги кенг қабул қилинган (Боууман ва бошқ., 2019). (Намбисан, 2017) Рақамлаштириш туфайли тадбиркорлик фаолиятлари ҳудудий, вақтинчалик ва соҳалар бўйича мавжуд бўлган чекловлардан холи бўлиб бормоқда. Бу эса тадбиркорлик имкониятларидан фойдаланишни ҳар қачонгидан ҳам кенгроқ аудитория учун имкониятли касбга айлантирди деб такидлайди. Шу билан бирга, тадбиркорлик имкониятларидан фойдаланиш усуллари ҳам сезиларли даражада ривожланди. Тадбиркорлар бошқа соҳаларда ривожланган инновацион усулларни тобора кўпроқ қўллашмоқда, масалан, Дизайн Фикрлаш (Десигн Тҳинкинг), Дизайн Спринтлари (Десигн Спринтс), Тезкор Ўсиш Ҳаскинг (Гроутх Ҳаскинг) ва Мослашувчан Ривожланиш (Агиле Девелопмент) (Броун, 2009; Кимбелл, 2009; Сонтигиани ва Левинтҳал, 2019; Боскен ва Снихур, 2020). Ушбу ёндашувлар "тезкор тадбиркорлик" (леан энтреpreneуршип) деб аталадиган янги, итератив жараёни рағбатлантиради (Бланк, 2013; Риес, 2011). Ушбу ёндашув тадбиркорлик имкониятлари кўпинча тўлиқ шаклланган ҳолда бозорни эгалламайди, балки тадбиркорлар томонидан тажрибаларда синовдан ўтган ҳолда яратилади ва шакллантирилади (Самуффо ва бошқ., 2019; Димов, 2016; Ромме ва Реймен, 2018). Бугунги чегараларсиз ва ўзаро боғланган рақамли дунёда статик ва мустақил мавжуд бўлган «бозор имкониятлари» тобора кам учрайди. Шу сабабли тадбиркорлар рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда имкониятларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг итератив жараёнидан кўпроқ фойда олишади. Электрон тижорат тизимининг жорий этилиши, нафақат компаниянинг тижорат фаолиятини модернизация қилиш, балки mijozlarга хизмат кўрсатиш жараёнларини соддалаштириш, савдо ва маркетинг стратегияларини такомиллаштириш ҳамда умумий бизнес жараёнларини автоматлаштириш имконини беради. Шунингдек, электрон тижорат тизимлари маълумотлар билан ишлаш, молиявий операцияларни бошқариш ва бизнес жараёнларини оптималлаштириш учун зарур бўлган воситаларни тақдим этади. Шу билан бирга, электрон тижорат тизимлар ёрдамида компаниялар ўзларининг ички жараёнларини янада самарали ва автоматлаштирилган ҳолда бошқариш, рақобатчилардан ажралиб туриш ва бозордаги ўзгаришларга тезда мослашиш имкониятига эга бўлади. Компания фойдаси ортган сари унинг бизнеси ҳам тезроқ ривожланади. Фойда олиш учун mijozlarга турли тўлов усулларини тақдим этиш жуда муҳим бўлиб, бу уларни онлайн савдо қилишга ундайди. Платформа глобал миқёсда кенгайганида, mijozlarга харид қилишда ҳеч қандай қийинчилик туғдирмаслик учун у ҳар бир мамлакатнинг маҳаллий тўлов тизимларига мослашиши лозим. Шу сабабли, компаниялар банклар ва молиявий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантирмоқда. Онлайн тўловларнинг энг кўп ишлатиладиган усули кредит карталар ҳисобланади. Mijoz ўз картасининг маълумотларини киритади ва тўлов платформа билан боғлиқ етказиб берувчи ҳамда карта чиқарувчи орқали амалга оширилади. Агар компаниялар ўртасида йирик миқдордаги тўловлар амалга оширилса, компания ҳисоблари билан боғланган банк хизматлари ишлатилади. Бундан ташқари, мобил телефон орқали тўлов қилиш ҳам кенг тарқалмоқда. Ушбу усулда карта банк иловасига ёки бевосита мобил хизматга боғланади, ва харажат mijozнинг мобил ҳисоб-китоб фактурасига қўшилади. Шунга ўхшаш бошқа усул эса электрон ҳамён (Э-wallet) бўлиб, унда истеъмолчининг шахсий маълумотлари ва маълум миқдордаги маблағ илова орқали сақланади.


Рақамли технологиялар ишлаб чиқариш, сотиш ва етказиб бериш каби жараёнларни автоматлаштириш орқали бизнеснинг самарадорлигини оширади. Бундай технологиялар нафақат компаниялар учун даромадни оширишга ёрдам беради, балки, харидорлар учун хизматларнинг тезкор ва юқори сифатли бўлишини ҳам таъминлайди. Мисол тариқасида, Амазон ва Алибаба каби компанияларнинг электрон тижоратдаги муваффақиятлари уларнинг рақамли технологияларни самарали қўллашлари натижасида эришилган (Hayes va Youderian, 2019).

Тадқиқот методологияси.

Бугунги кунда дунёдаги энг йирик электрон тижорат компаниялари технологияларни инновацион даражада қўллаб, нафақат ўз фаолиятини кенгайтириб, балки глобал иқтисодиётга ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Ушбу компаниялар муваффақияти, кўп жиҳатдан, сунъий интеллект (АИ), катта маълумотлар (Биг Дата), машинавий ўқитиш (МЛ) ва автоматлаштирилган тизимлар каби илғор технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ. Улар бу технологияларни мижозларга шахсийлаштирилган хизмат кўрсатиш, маҳсулотни тез ва самарали етказиб бериш ҳамда бизнес жараёнларини автоматлаштиришда фаол қўллайдилар. Ушбу тадқиқотда шу каби тавсифий таҳлил усулларида кенг фойдаланилди. Натижалар бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Электрон тижоратни жорий этиш корхоналар учун катта имкониятлар эшигини очади. Замонавий технологиялар, жумладан булутли хизматлар, СРМ тизимлари, катта маълумотлар, сунъий интеллект ва блокчейн орқали компаниялар ўз жараёнларини оптималлаштириб, рақобатбардош бўлиб қолишади. Ҳар бир технологиянинг афзалликлари электрон тижорат тизимларининг самарадорлигини оширишга ва мижозлар билан муваффақиятли алоқалар ўрнатишга ёрдам беради. Электрон тижорат тез ривожланишининг асосий омиллари технологик инновациялар, мижозларга қулай хизмат кўрсатиш, логистика ва етказиб бериш жараёнларини оптималлаштиришдан иборат. Дунёнинг етакчи компаниялари Амазон, Валмарт, Алибаба, ЖД.ком ва МерсадоЛибре ўзларининг самарали ишлаш жараёнлари ва инновацион технологиялардан фойдаланишлари орқали рақобатбардошликни оширишга муваффақ бўлишмоқда(1-расм).



1-расм. Дунёнинг энг йирик электрон тижорат компанияларини йиллик даромади бўйича солиштириш

Манба: (historytools.org) маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Хар бир компания ўз бозорида етакчилик қилаётган бўлсада, улар турли хил технологиялар ва бизнес моделларига таянади. Ушбу компаниялар глобал бозорларда турли стратегиялар орқали ўз ўрнини мустаҳкамламоқда ва рақамли экотизимларни кенгайтирмоқда. Ушбу расмни таҳлилили асосида қуйидаги хулосалар чиқариш мумкин:

1. Walmart компанияси энг юқори 573 млрд доллар йиллик даромад билан дунёда етакчи бўлиб турибди. У ўзининг чакана савдо бўйича анъанавий

моделлари билан электрон тижоратни муваффақиятли ривожлантирди ва бу орқали мижозларга онлайн ва оффлайн имкониятлар яратди. Walmart оммавий омборлар ва етказиб бериш тармоқлари билан мижозларга қулай хизмат кўрсатишни йўлга қўйган.

2. Amazon 469.82 млрд долларлик даромад билан иккинчи ўринда туради.

Amazon ўзининг кенг маҳсулот ассортименти, сунъий интеллект технологиялари, Amazon Web Services (AWS) ва тез етказиб бериш тизимлари билан бозорда яққол пишқадам ҳисобланади. Компания сунъий интеллект орқали мижозлар учун шахсийлаштирилган тавсияларни таклиф этиб, мижозлар тажрибасини доимий равишда яхшилашга ҳаракат қилмоқда.

3. ЖД.ком ва Алибаба компаниялари Хитой бозорида катта рақобат олиб бормоқда. ЖД.ком 149 млрд доллар даромад билан учинчи ўринда, Алибаба эса 134 млрд долларлик даромади билан тўртинчи ўринда туради. ЖД.ком тезкор етказиб бериш ва автоматлаштирилган омборлар билан ажралиб туради, Алибаба эса Алипай орқали рақамли тўлов хизматларини кенг қўллайди ва катта логистика инфратузилмасига эга.

4. МерсадоЛибре, Лотин Америкасидаги энг йирик электрон тижорат платформаси, 10 млрд доллар даромад билан келтирилган компаниялар орасида сўнгги қаторида жойлашган. Бироқ, компания финтех хизматлари ва тезкор етказиб бериш тизимлари орқали минтақавий бозорда етакчи ўринни эгаллайди ва рақамли молиявий хизматларини ривожлантиришда катта ютуқларга эришмоқда.

Масалан, Амазон ва Алибаба каби компаниялар сунъий интеллект ва катта маълумотлардан фойдаланган ҳолда мижозларнинг харид одатларини таҳлил қилади ва уларга махсус тавсиялар беради. Шунингдек, бу компаниялар АИ ва машинавий ўқитиш технологиялари ёрдамида фирибгарликни аниқлаш, инвентарни бошқариш ва мижозларга хизмат кўрсатишни автоматлаштиришда катта натижаларга эришмоқда. ЖД.ком эса логистика соҳасида дронлар ва роботлар орқали маҳсулотларни етказиб бериш тизимларини такомиллаштириб, тезкор ва самарали етказиб бериш хизматларини тақдим этмоқда.

Бугунги кунда компаниялар катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш технологияларидан фойдаланиб, мижозларнинг эҳтиёжларини чуқур таҳлил қилиш ва бозордаги ўзгаришларга мослашиш қобилиятини кучайтирмоқда. Ушбу ёндашув компанияларга харидорларнинг хатти-ҳаракатларини, афзалликларини ва кутилмаларини аниқ тушуниш имконини беради. Натижада, улар ўз маҳсулот ва хизматларини мижоз талабларига мувофиқ равишда мослаштириб, бозорда рақобатбардошликни оширмоқда.

Электрон тижоратда автоматлаштирилган омборлар, сунъий интеллект томонидан бошқариладиган логистика тизимлари ва маҳсулотларни АИ ёрдамида шахсийлаштирилган тавсиялар орқали таклиф этувчи тизимлар энг муҳим технологик ютуқлар қаторига киради. Масалан, автоматлаштирилган омборлар товарларни жойлаш ва етказиб бериш жараёнини тезлаштиради, бу эса вақтни тежаш ва хатоликларни камайитишни таъминлайди. Сунъий интеллектга асосланган логистика тизимлари эса юк ташиш жараёнларини самаралироқ бошқариш орқали етказиб бериш харажатларини оптималлаштиради. Бундан ташқари, маҳсулот тавсия тизимлари мижозлар учун махсус мослаштирилган тажрибани яратиб, харид қилиш жараёнини

кулайроқ қилади. Ушбу технологиялар нафақат мижозлар эҳтиёжларини қондиришни осонлаштиради, балки мижозларнинг садоқатини оширади ва компанияларнинг даромадини кўпайтиради.

2-жадвалда дунёдаги энг йирик электрон тижорат компанияларининг технологик ютуқлари ва уларнинг мижозларга қандай хизмат кўрсатаётгани ҳақида батафсил маълумот берилган:

2-жадвал

Дунёда йирик электрон тижорат фаолияти билан шуғулланувчи компаниялар технологик ютуқлари бўйича маълумот

Компания номи	Омбор эгалиги	Олиш пунктлари	Етказиб бериш тезлиги	БНПЛ* хизматлари	Асосий технологиялар
Amazon	Ҳа	30,000+ globalda	Shu kuni yoki 2 kun ichida yetkazib berish	Ҳа	Amazon Web Services (AWS), shaxsiylashtirilgan tavsiyalar uchun sun'iy intellekt, robotik omborlar, Alexa ovozli yordamchi, AI asosidagi Amazon Go
Alibaba	Ҳа	10,000+ (Xitoy)	1-3 kun ichida yetkazib berish	Ҳа	AliCloud (bulut texnologiyalari), tavsiyalar va firibgarlikni aniqlash uchun AI, Alipay to'lov tizimi, Cainiao logistika tizimi
JD.com	Ҳа	7,000+ (Xitoy)	Shu kuni yoki keyingi kuni yetkazib berish	Ҳа	JD Logistics (avtomatlashtirilgan omborlar, dronlar), AI asosida inventarizatsiyani boshqarish, avtonom yetkazib berish transport vositalari
Walmart	Ҳа	4,700+ AQShda	Shu kuni (ozuq-ovqat uchun), 2 kun ichida	Йўқ	Mashinaviy o'qitish yordamida talab prognozlash, Walmart+ obuna xizmati, sun'iy intellekt chatbotlari, Omnichannel tizimlari
Mercado-Libre	Ҳа	1,000+ (Lotin Amerikasi)	1-5 kun ichida yetkazib berish	Ҳа	Mercado Pago (fintech), firibgarlikni aniqlash uchun AI, tezkor yetkazib berish texnologiyalari, Mercado Envios logistika

*БНПЛ (Ҳозир сотиб ол, кейин тўла) хизмати

Манба: (historytools.org) маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Юқоридаги келтирилган жадвалда йирик электрон тижорат фаолияти билан шуғулланувчи компаниялар электрон тижорат фаолиятида турли ихтисослаштирилган платформалардан фойдаланишади. Компанияларнинг ихтисослаштирилган платформалардан фойдаланиш қобилияти «...компания брендига бўлган доимий харидорларнинг ишончини сифатли оширишга имкон беради, бу интернетда билвосита манбалар орқали узлуксиз таъсир кўрсатиш орқали амалга оширилади» [4, С. 404-409.]. Электрон тижоратда ихтисослаштирилган платформалардан фойдаланиш – бу бир неча онлайн савдо майдонлари ёки дўконлар яратиш ва уларни бошқариш стратегияси бўлиб, ҳар бири муайян бозор сегменти, маҳсулот тури ёки мақсадли аудиторияга қаратилган.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, компаниялар ихтисослаштирилган платформалардан фойдаланишда рақамли технологияларни турли эчимлари ва компонентларини муваффақиятли қўлламоқдалар. Бу қуйидаги ҳолатларда ўз аксини топади:

1. Кўп маҳсулот ва категориялар: турли маҳсулотлар ва категорияларни бошқаришда контент бошқариш тизимлари асосий ўрин тутати. Ушбу технология турли маҳсулот категориялари ва товарларини онлайн дўконларда тўғри жойлаштириш имконини беради. Шунингдек, ЭРП тизимлари маҳсулотлар билан боғлиқ жараёнларни автоматлаштириш ва биргаликда бошқаришга ёрдам беради.

2. Турли аудиториялар: агар мақсадли аудиториялар турли эҳтиёжларга эга бўлса, CRM технологиялари ҳар бир мижоз сегменти билан алоҳида муносабатларни бошқариш имконини яратади. Маркетингни автоматлаштириш воситалари эса турли аудиториялар учун алоҳида маркетинг кампанияларини автоматлаштиришга ёрдам беради.

3. Географик фарқлар: турли географик бозорлар учун маҳаллийлаштирилган савдо платформалари муҳим ҳисобланади. Глобал савдо платформалари технологиялари ҳар бир минтақага мос интерфейслар яратишда қўлланилиши мумкин. Гео-таргетлаш технологиялари эса мижозларга уларнинг жойлашувига мос равишда реклама ёки тавсиялар бериш имконини беради.


4. Турли брендлар ва услублар: бренд менежменти воситалари ҳар бир брендга хос дизайн, контент ва маҳсулотларни яратиш ҳамда бошқариш имконини беради. Шунингдек, интеграциялашган тармоқлар ечимлари турли брендлар учун бир хил мижоз тажрибасини таъминлашга ёрдам беради.

5. Тестлаш ва оптималлаштириш: А/Б тестлаш воситалари турли платформалар ва аудиториялар учун маркетинг стратегияларини тестлаш имконини яратади. Биг Дата ва таҳлил қилиш технологиялари эса турли аудитория сегментларига бўлинган маълумотларни таҳлил қилиш ва платформаларни оптималлаштиришга ёрдам беради.

Илмий тадқиқотда электрон тижорат соҳасида, шунингдек, бизнесни умумий ривожлантиришда аҳамиятли бўлган замонавий рақамли технологиялар ва тизимларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Рақамли технологияларни самарали қўллаш, тизимли ёндашув асосида, электрон савдони муваффақиятли ташкил этишга ҳисса қўшиши мумкин (2-расм).

Мисол учун, Шопифай маҳаллий ва халқаро мижозлар учун электрон тижоратга мўлжалланган мослаштирилган ечимларни тақдим этади. Бу ўзгаришлар истеъмолчиларнинг маҳсулот ва хизматларни онлайн-дўконлар орқали турли вариантлар асосида сотиб олиш ва истеъмол қилиш бўйича катта ўзгаришларга олиб келди. Шопифай дунё миқёсида турли саноат тармоқлари учун электрон тижорат платформаларини муваффақиятли тарзда тақдим этиб, энг яхши ечимлар етказиб берувчи сифатида танилган. Шопифай ўз мижозлари учун веб-сайтлар лойиҳалаштиради, уларни ишлаб чиқади ва бошқаради, буларнинг барчаси мижозларнинг бизнес муваффақиятини таъминлаш учун рақамли жиҳатдан самарали муҳитда амалга оширилади.

Ўзбекистон бозорида электрон тижорат соҳасининг ривожланиши сўнгги йилларда сезиларли суръатларда ўсмоқда. Рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши, аҳолининг интернетдан фойдаланиш кўрсаткичининг ошиши, шунингдек, финтех хизматларининг кенгайиши бу соҳадаги муҳим омиллардан биридир. Электрон тижорат – маҳсулот ва хизматларни онлайн тарзда сотиб олиш ва сотиш имкониятини яратиб, Ўзбекистон истеъмолчилари учун қулай ва тезкор ечимлар таклиф қилмоқда. Бу, бир томондан, анъанавий чакана савдо моделини ўзгартирса, бошқа томондан, тадбиркорлар учун янги имкониятларни очмоқда.



2-расм. Raqamli texnologiyalarni elektron tijoratdagi ўрни

Ўзбекистонда электрон тижоратнинг жадал ривожланиши, бир томондан, глобал технологик ўзгаришларга мослашиш, бошқа томондан, миллий иқтисодиётнинг диверсификация қилинишига ҳисса қўшмоқда. Ҳозирда бозорда кучли рақобат мавжуд бўлиб, компаниялар истеъмолчилар эҳтиёжларини тезкор ва самарали қондириш учун технологик инфратузилмани кучайтиришга ҳаракат қилишмоқда. Электрон тижоратнинг ўсиши мамлакат иқтисодиёти учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маҳаллий компаниялар онлайн платформалар яратиб, истеъмолчиларга нафақат миллий, балки халқаро бозордан ҳам фойдаланиш имконини бермоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистонда йирик компаниялар ҳамда стартаплар электрон тижоратни ривожлантиришга катта сармоя киритишмоқда. Ҳозирда Ўзбекистон бозорида Узум, Зоод, Медиапарк, Олча, Техномарт ва Корзинка каби йирик компаниялар электрон тижоратни ривожлантириш бўйича фаолият олиб боришмоқда. Ушбу компаниялар ўз mijozlariga кенг қўламли хизматлар ва маҳсулотларни етказиб бериш тизимини таклиф қилмоқда, бу эса уларнинг бозор улушини оширишига ҳисса қўшмоқда (3-жадвал).

O'zbekistondagi yirik elektron tijorat faoliyati bilan shug'ullanuvchi kompaniyalar bo'yicha ma'lumot

Kompaniya nomi	Kompaniya tavsifi	Yuklab olinganlar soni ¹ , mln	SKU ² soni	Ombor egaligi	Olish punktlari soni	Buyurtma narxi	Yetkazib berish tezligi	BNPL Yechimlari
Uzum	Onlayn savdo (marketpleys), fintech yechimlari, to'lovlar va ovqat yetkazib berish xizmatlarini o'z ichiga oluvchi raqamli ekotizim	13.1	500 000	Ha	500 ³	Tashkent bo'yicha buyurtmalar \$43gacha: \$2.6	Toshkent bo'yicha: Shu kuni yetkazib berish	Ha
Zood	FinTech (ZoodPay), e-tijorat (ZoodMall), e-logistika xizmatlari (ZoodShip Fargo tomonidan boshqariladi)	1.2	6 mln	Yo'q ⁴	280	\$43 dan yuqori buyurtmalar uchun yetkazib berish bepul	Toshkent bo'yicha: Shu kuni yetkazib berish	Ha
Mediapark	Uy jihozlari va elektronika bo'yicha marketplace, O'zbekistonda 33 ta do'kon tarmog'i mavjud	0.46 ⁸	Ma'lumot yo'q	Yo'q	Ma'lumot yo'q	Tashkent bo'yicha: \$87.8 dan yuqori bo'lgan buyurtmalar bepul	Toshkent bo'yicha: 24 soat ichida yetkazib berish	Yo'q
Olcha	2017 yilda tashkil etilgan onlayn-do'kon, keng assortimentdagi glo-bal va mahalliy ishlab chiqaruvchilarning mahsulotlarini taklif etadi	0.494	Ma'lumot yo'q	Yo'q	Ma'lumot yo'q	Tashkent bo'yicha: 1-3 ish kuni ichida yetkazib berish	3-7 ish kunida yetkazib berish	Yo'q
Texnomart	2008 yilda tashkil etilgan chakana savdo tarmog'i, maishiy texnika va elektronika sotishga ixtisoslashgan	Ma'lumot yo'q	Ma'lumot yo'q	Yo'q	Ma'lumot yo'q	Buyurtma bo'yicha yetkazib berish	Yetkazib berish vaqti maxsus buyurtma uchun sozlanadi	Yo'q
Korzinka	bu e-grocery (onlayn oziq-ovqat do'koni) tarmog'i bo'lib, unda oziq-ovqat mahsulotlari va uy-ro'zg'or buyumlari kabi keng turdagi mahsulotlar taklif etiladi	0.5	Ma'lumot yo'q	Yo'q	Ma'lumot yo'q	Tashkent bo'yicha: Dastlabki uchta yetkazib berish bepul	Har kuni soat 09:00 dan 23:00 gacha 2 soatlik yetkazib berish vaqti mavjud.	Yo'q

¹12 oy ichida yuklab olinishlar soni, ² SKU zaxiralarini saqlash bo'limi, mahalliy omborda mavjud, ³2023 yil ma'lumoti, ⁴2,500 m² ijaraga olingan.

Manba: KPMG kompaniyasi tomonidan o'tkazilgan o'rganishlar asosida.

Мазкур жадвалдаги . **Узум, Зоод, Медиапарк, Олча, Техномарт** ва **Корзинка** каби компаниялар нафақат рақамли савдо майдончаларини, балки уларнинг ривожланиши учун технологик инфратузилмани ҳам яратишди. Бу компаниялар фойдаланувчиларга замонавий платформаларда қулай харид қилиш имкониятини таклиф этмоқда, бу эса миллий бозорга бўлган қизиқишни янада оширмоқда.

Хулоса ва таклифлар.

Электрон тижоратнинг ривожланиши нафақат қулай савдо имкониятлари, балки янги иш ўринлари яратилиши, молиявий барқарорликни ошириши ва иқтисодий ўсишга ҳисса қўшиши билан ҳам аҳамиятлидир. Шу билан бирга, компаниялар етказиб бериш тизимларини янада тезкор ва ишончли қилиш, мижозларга қулайроқ шароитлар яратиш устида ишлашлари лозим. Шунингдек, логистика ва тўлов тизимларида инновацион ечимлар жорий этиш орқали хизматлар сифатини ошириш катта аҳамият касб этади.

Компаниялар рақамли технологияларнинг кенг қамровли эчимларидан фойдаланиб, электрон тижорат фаолиятида рақобатбардошлигини ошириш, мижозлар базасини кенгайтириш ва бизнес жараёнларини самарали бошқаришда сезиларли натижаларга эришмоқда. Булутли технологиялар, АИ, БигДата, буюмлар Интернет ва рақамли тўлов тизимлари каби рақамли технологиялар компанияларга турли жараёнларни автоматлаштириш, маълумотларни таҳлил қилиш ва инновацион хизматларни жорий қилиш имкониятини беради.

Бу технологиялар компанияларнинг электрон тижорат фаолиятидаги муваффақиятини оширишда муҳим воситалар ҳисобланади. Рақамли платформаларнинг очиклиги эса турли соҳа ва бозор сегментлари ўртасида ўзаро интеграцияни кучайтириб, янги технологик имкониятларни яратишга замин ҳозирламоқда. Шу билан бирга, бундай технологиялар турли сегментларда самарадорликни ошириб, компанияларнинг нафақат миллий, балки глобал бозорларда ҳам муваффақиятли фаолият юритишини таъминлайди.

Шундай қилиб, технологияларнинг таркибий жиҳатларини аниқлаш компанияларнинг рақамли инфратузилмасини ривожлантиришга ва улар томонидан қўлланилаётган электрон тижорат стратегияларининг муваффақиятига бевосита таъсир кўрсатади. Бу эса электрон тижоратнинг ривожланишини янги босқичга олиб чиқиб, иқтисодиётнинг рақамли трансформациясига ҳисса қўшади.

Адабиётлар/Литература/References:

Chau, Ngoc Tuan, and Hepu Deng. (2018). "Critical Determinants for Mobile Commerce Adoption in Vietnamese SMEs: A Conceptual Framework." *Computer Science* 138: 433–40.

Lestari, Diyan. (2019). "Measuring E-commerce Adoption Behaviour among Gen-Z in Jakarta, Indonesia." *Economic Analysis and Policy* 64: 103–15.

Mark Hayes, Andrew Youderian; (2019) *The Ultimate Guide to Dropshipping Online*; Accesat 15 Ian Available: <https://www.shopify.com/guides/dropshipping/understanding-dropshipping>

Parida, V., D. Sjödin, and W. Reim. (2019) *Reviewing Literature on Digitalization, Business Model Innovation, and Sustainable Industry: Past Achievements and Future Promises. Sustainability* 11(2): p. 391.

Xiong, J., K. Et al., (2021). *The Window of Opportunity Brought by the COVID 19 Pandemic: An Ill Wind Blows for Digitalisation Leapfrogging. Technology Analysis & Strategic Management: pp. 1–13.*